



TARAKKIYAT TADQIQOTLARI | ИССЛЕДОВАНИЯ РАЗВИТИЯ DEVELOPMENT STUDIES

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНЛАР | НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ КОНФЕРЕНЦИИ
SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCES

Volume II, Issue-19, (July) 2024

Journal homepage: <https://inashr.uz/index.php/rid>

АЗИМОВ Ашир Али Мехмонбойевич
*Андижон давлат тиббиёт институти
тадқиқотчиси*

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ИЖТИМОЙ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ

Жаҳон миқёсида оила-никоҳ анъаналари ва кадриятларига нисбатан оқилона муносабатда бўлиш бугунги куннинг устувор вазифаси бўлиб қолмоқда. Шундай экан, оила-никоҳ анъаналарини комплекс ўрганиш, уларнинг ҳали яхши ўрганилмаган ижтимоий ва этнопсихологик жиҳатларини илмий тадқиқ етиш жиддий аҳамият касб этади. Айниқса, оила-никоҳ анъаналари ва турмуш тарзининг ижтимоий-маданий, ҳудудий, этносоциологик хусусиятларини ўрганиш асосида социал таҳлили долзарб аҳамият касб етиб келмоқда.

Калит сўзлар: оила, никоҳ, анъана, кадрият, оила институти, замонавий оила, абориген, гендер, респондент, туб йерли оила, оилавий низолар, жинсий муносиблик, аксиология, миллий ва глобал кадриятлар, гендер тенглиги, демографик ривожланиш, статистика.

Хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятига Аристотелнинг ижтимоий-илохий, Пифагорнинг рақамли, Платоннинг “ғоялар” муносабатида ижтимоий ҳаётни ташкили ва бошқаришнинг ноёб демократиясида хотин-қизларнинг ҳуқуқий мақоми илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Мифологиядан диний дунёқараш, динийдан илмийга ўтиш тенгликнинг фактик ва формал шахс ҳуқуқини ифодалаш, қонун ва суд олдидаги тенгликни очиб берган. Фуқаронинг таълим-тарбияси ижтимоий-ҳуқуқий мақоми, ижтимоий обрў – эътибори, ёш грекнинг жинсидан қатъий назар шахсида эркинлик ва тенглик ғоясида ҳуқуқий таълим молиялаштирилган.

Натижада, ҳар бир озод фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларига таяниб феъл-атворини тартибга солиши фуқароларга “амалий тенглик” ёки “шаклий тенглик” ҳуқуқий маданиятини демократик, аристократик, тенглаштирувчи каби усулларини баён этган. Бу ҳол хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳолати ўта мураккаб ижтимоий тартиб, бошқарувида ҳуқуқий онг билан боғлиқ эканлиги тасдиқланган [1, Б.74].

Мавороуннаҳр хотин-қизларининг ҳуқуқий маданияти Геродотнинг Тарих асарида зиддиятли берилса-да, лекин ўлка ҳалқларининг ўзаро ахил-иноқлиги, жасорати, душманга қарши мардона кураши ижтимоий маданияти билан далилланган [2, Б.10].

Тадқиқотда аёлнинг ҳуқуқий мақомига генетик ёндашув тарихий цивилизация, конфессионал, ахборотлашув, идеалистик ва ҳиссий, ҳудудий гуруҳлаштириш ўзини оқлайди [3].

Марказий Осиёда хотин-қизларининг ҳуқуқий мақоми ҳуқуқий онг ва саводхонлик муаммосида тадқиқотчиларнинг қарашларининг баҳсли экани асосланган, турмуш тарзи, маънавий-ахлоқий маданияти ўзига хослиги билан асосланган.

Ўзбек халқининг бой маданий-ҳуқуқий мероси Суғд, Парфия, Бактрия давлатчилиги бошқарув анъаналари, Ассирия, Ахамонийлар, Юнон-Бактрия, Кушон, Эфталлий сўнгра Турк ҳоқонлиги манбаларида ёритилган. Шу маънода миллий ҳуқуқий маданият уч минг йиллик тарихи давлат, жамият ва шахс муносабатларини адолатли тартибга солиш ворисийлигига таянади [4, Б.26].

XIX асрнинг капиталистик ишлаб чиқариши ҳуқуқий тарбия билан бирга ҳуқуқий маданиятнинг янада назарий ривожлантирди. Марказий Осиёда ислом дини ўзига хос миллий-диний аёллар маданиятини Араб-ислом цивилизацияси илм-фан, маданияти асосида аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини модернизациясига тамал тоши қўйди. Натижада ўлкамизда ҳуқуқ илм-фан ривож топиб, “фикх” – ҳуқуқ қонун ижодкорлиги, ислом ақоидларини тафсир этишда аёлларнинг ҳам иштироқи шайрий ўрнатилди [5, Б.12].

Шу боис, аёлларнинг ҳуқуқий мақомига доир шариатнинг муҳим манбалари Қуръон ва Ҳадисларнинг ҳуқуқий меъёрий одат ва анъаналарига мос шакллантирилган [6, Б.58].

Ўзбекистонда ижтимоий давлатнинг конституцион ислохотлари амалдаги қонунларни умуминсоний инсон ҳуқуқ ва эркинликлари талабларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини меъёрий мустаҳкамланиб, уларнинг ижтимоий дискриминацияси бартараф этилди [7].

Ўзбекистон Республикасида хотин қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили – Омбудсман, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик мониторинги, Вазирлар Маҳкамасида хотин-қизлар кенгаши даражасида эътиборга олинган. Уларнинг ҳуқуқий мақоми ва қонуний манфаатларига доир масала ўта ўзига хос миллий-диний жиҳатлари, гендер қиз бола, аёл, хотин каби ижтимоий аёл ҳолатлари илмий ҳолислик ёндашувини кузатилмоқда [8, Б.136].

Хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятининг генетик ривожи умумийлик ва хусусийликка эга бўлиб, таълим ва тарбия тараққиёт, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув, ахборот технологияларининг глобаллашуви иқтисодий омил сифатида фуқароларнинг ахборотлашуви билан изоҳланади. Қуръонда “У сизларни бир жондан яратиб, ундан унинг жуфтини унга (уйланиб) таскин топиши учун пайдо қилган зотдир...”, деган тамойил аёлга фарзанд кўриш ва тарбия қилиш ила латофат, меҳр-муҳаббат рамзийлигини инон этилган [9, Б.175].

Бу кўрсатма ислом дунёсида хотин-қизларнинг аёллик масаласини ижтимоий адолат: тенглик, эркинлик ва аёлга эрларининг ғамхўрлиги, ўзгаларнинг ижтимоий муҳофазаси билан ижтимоий ҳуқуқий маконни шакллантирган. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданияти Европа аёлларининг ҳуқуқий маданиятидан жиддий фарқланиб, либераллашган оила ва жамиятда тарихан ҳуқуқий доираларни жиддий кенгайтирган. Ўзбек халқи қиз бола, аёл, хотин каби атамаларда оналик образини шакллантириб, унга ўзга барча муаммоларни ечимида эркақларни масъул қилган. Бу маънавий-ахлоқий тарбияга масъуллик муносабатлари “Мўмин банда Аллоҳга бўлган иймондан сўнг эришган энг яхши нарса солиҳа хотин бўлиб, унга амр қилса, итоат этади, қараса хурсанд қилади, қасам ичса, уни оқлайди ва ғойиб бўлса, ўз нафсида ва молида унга яхшиликда бўлади” [10] деган меъёрда белгиланган.

Тадқиқотимизда гендер тенглиги эркақ ва аёлларга ҳамма соҳада тенг имконият яъни билим олиш, касб танлаш, лавозимда кўтарилишдаги имкониятларнинг ижтимоий – фалсафий жиҳатлари очиқ берилган. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юсалтириш тадбирлари мамлакатимиз ижтимоий сиёсатида ўз ифодасини топмоқда. Мутахассислар ҳуқуқий маданиятга таъриф моддий ва маънавий кадрларнинг йиғиндиси, ҳуқуқий муносабатларнинг амалиёти деб ҳисоблайди. Юртимизда Тараққиёт стратегияси хотин-қизларнинг ислохотларга дахлдорлик туйғуларида иштироқи аёлларда ҳуқуқий маданиятга оила ва никоҳ, оналик ва болалик, оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ ҳуқуқий билим ва кўникмаларга эҳтиёж юқорилиги ифодаланади.

Шу боис, муаллиф аёл ҳуқуқий маданиятига оила ва никоҳ, меҳнат, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатидаги феъл-атворини **“оилали аёлнинг ҳуқуқий маданияти”**, деб ҳисоблаган. Аёллар ҳуқуқий маданиятининг мазмун-моҳиятини қуйидаги таркибий қисмларга гуруҳлаштирилган: Аёлларнинг онг ва тафаккурида ҳуқуқийлик; уларнинг фаолиятини амалдаги қонунларга мослиги; хотин-қизларнинг фуқаролик муносабатларининг оқибатларига ҳуқуқий масъулият ва жавобгарлик лаёқати кабилардир. Муаллиф Ўзбекистонда аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалиштиришда 2020 йилда 6 миллиондан ортиқ аёлнинг муаммолари ижобий ҳал этилгани, 2021 йилда 17 миллион хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларининг ечими билан далилланган [11].

Натижада, аёллар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик профессионаллашуви ҳуқуқий саводхонликни ошириб, қонунийликка жалб этган. *“Оммавий ҳуқуқий маданият”*нинг бир жинсли никоҳ, *“Муҳаббат эркинлиги”*, *“Никоҳсизлик қадрияти”* иллатлардан аёллари ҳимоялаш, уруш олови ёнаётган юртларга жалб этишни олдини олиш ҳам муҳимдир.

Аёллар мақоми мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий янгиланиш ислохотлари, давлат, жамият ва шахс муносабатларидаги давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини изчил етказишда ҳуқуқий маърифатни йўлга қўйиш орқали хотин-қизларнинг онгида қонун ва қонунийликка ҳурмат руҳини қарор топтириш миллий тараққиётимизнинг муҳим шартидир. *“Аёллар дафтари”*, *“Ёшлар дафтари”* тизими асосида маҳаллабай ишни ташкили ўзига хос бошқарувдаги янгилик ҳисобланади. Гендер атамаси инглиз тилига *“уруғ”* маъносида, кейин эса жинсий тафаккурни биологик ва маданий жиҳатига эга бўлган. У биологик гормонлар, генлар, асаб тизими, морфологик, маданий маъносида эса психология ва социология жиҳатларини антропологик хусусиятини назарда тутган. Натижада ижтимоий шахснинг физиологик ва сексуал эҳтиёжларини ажратиб фанга янгича ёндашувни амалга оширган [12, Б.32].

Гендер мактабининг асосчиси Н. Л. Пушкирева гендер аёлликнинг ижтимоий тажрибаси ижтимоий, психиологик, маданий нуқтаи назардан эркакка нисбатан: хатти-ҳаракат меъёри, стереотип, роли, феъл-атворини аниқловчи типик ва табиий хусусиятлар назарда тутган [13, Б.9].

АҚШда мафкуравий ёндашув асосида *“мажбурий гетересекуалликни қўллаб қувватлаш”*, жинсга ижтимоий боғланган вазифа, деб ҳисоблайдилар. Натижада, анъанавий жамият тарихи иқтисодий манфаатларни қондиришда эркак ва аёлга бўлиш орқали *“аёллар савдоси”*, яъни шартномали никоҳга эркак аёлни сотиб олиш одатга айланган. Улар **оила хокимияти** эркакнинг фаровонлигини таъминлаш макони ва воситаси, деган умумий ҳулосага келган. *“Учинчи жинс”* ғоялари **радикал феминизм** хавф-хатари бўлиб аёлларни гетересекуалликдан озод этиш, уларга эркинлик асосида **“гендерсиз жамият”** қуришга чақирадилар. Бу жамиятда аёл сексуал эксплуатация, оилада эркакдан алоҳида, фарзанд тарбиясига боғланмай эркин *“амазонка”* мақомига ўтади. Аёлларни биологик авлод қолдириш эҳтиёжи, оналик инстинкти, авлодларни давом эттириш табиий фарзанд тарбиясидан мосуво этмоқда. Гендер тенглиги сиёсат ва мафкуравий тахлили ўлка халқларининг этноконфессионал турмушидаги маданиятлараро уйғур-қашғардан токи форсгача умумийликни тасдиқлайди. *“Жинс генетик ва морфо-физиологик хусусиятлар йиғиндиси бўлиб, эркак ва аёл зотида жинсни қўпайишидир. Организмда жинс генетик жиҳатдан махсус жинсий хромосомалар асосида ҳосил”* бўлиши энциклопедияда таърифланган [14].

Демак барча тирик организмлар муайян жинсий тараққиётнинг бўғини, аввалги аждодини барча ижобий яшовчан хусусиятлари билан биологик муҳимга мослашган.

Ижтимоий муносабатларда аёлларнинг сиёсий фаоллиги, эркаклар билан ҳуқуқий тенглиги, давлат сиёсатида фуқароларнинг жинсий тенглик чалкаштириши қиз бола, хотин ва аёл мақомидаги одамни биофизиологик ҳолатини ўзгартиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лапаева В. Правовой принцип формального равенства // Журнал Российского права . – 2008. – № 2. – С.74
2. Древняя Греция / Сост. М. Томашевская – Москва: Правда. -1989. – С. 10
3. Багдасарян С. Д. История как детерминант правовой культуры вопросы формы и содержания // http://rus-law.online/netcat_files/503/671/015_019.pdf (Сана: 15. 07. 2021)
4. Хидоя: Комментарии мусульманского права/ под ред ак. А.Саидова . – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – С. 26.
5. Сюкияйнен Л.Р. Мусульманское право. – Москва. 1986. – С. 12.
6. Климович Л. И. Книга о Коране. – Москва: Изд. Политическая литература. 1986. – С. 58.
7. Ўзбекистон Республикаси томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар умумий руйхатда ҳавола қилинади.
8. Ўразалиева Г. Гендер ва аёллар ҳуқуқий маданияти . – Тошкент: Шарқ, 2009. – 136 б.
9. Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Тафсир А. Мансур – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 175
10. Сунан ибн Можа. Никоҳ китоби // <https://tgstat.com/ru/channel/@shmsbxhj> (сана: 16.07.2021)
11. Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 29 декабрь
12. Stoller R. Sex and Gender: on the Development of Masculinity and Femininity. N.Y., 1968. – P. 32
13. Пушкарева Н. Л. Что такое гендер? // Гендерная теория и историческое знание: Материалы второй межд. научно-практ. конф-ии / Отв. ред. А.А. Павлов, В.А. Семенов. – Сыктывкар: СГУ, 2005. – С. 9.
14. Советский энциклопедический словарь / Гл. ред. А. М. Прохоров. 3 изд. – Москва: Советская энциклопедия, 1985. – С. 1021.